



2025 йил 28 июль

№ РС-34-25

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича
судлов хайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагида
тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 3.1-бандига кўра, Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича тайёрланган суд амалиёти обзори юзасидан қуйидагиларни таъкидлайди.

Судлов хайъатига қолдикдаги шикоятлар билан бирга 2025 йилнинг иккинчи чорагида жами **978** та тафтиш шикояти (протести) келиб тушган. Шундан **274** та шикоят қайтарилган, **59** тасини қабул қилиш рад қилинган, **193** тасини судлов хайъатига ўтказиш рад этилган, **315** таси судлов хайъатига ўтказилган. Ҳисобот даврининг охирига қолдик шикоятлар сони **137** тани ташкил этган.

Шундан, судлов хайъати томонидан жами **250** та тафтиш шикояти (протести) кўриб чиқилган бўлиб, **113** таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, **25** таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, **98** таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, **13** та шикоят бўйича иш юритиш тугатилган. Қолдик ишлар сони **65** тани ташкил этган.

Жами бекор қилинган **98** та суд ҳужжатларидан **25** таси қуйи инстанция судларига янгидан кўриш учун юборилган, **66** таси бўйича янги қарор қабул қилинган, **6** таси бўйича иш юритиш тугатилган, **1** таси бўйича ариза кўрмасдан қолдирилган.

Ишларни қуйи инстанцияларда кўришда айрим ҳолларда моддий (қўлланилиши лозим бўлган қонунчилик ҳужжатининг қўлланилмаганлиги, қонунчилик ҳужжатининг нотўғри қўлланилганлиги) ва процессуал (билдирилган талаб бўйича қарор қабул қилинмаганлиги, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги) ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли Олий суд тафтиш инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Бу борада айниқса, **Тошкент шаҳри, Хоразм, Самарқанд, Тошкент, Бухоро вилоятлари** ҳамда ушбу ҳудудлардаги туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари томонидан ишларни биринчи, апелляция ёки кассация ҳамда тафтиш тартибида кўришда айрим ҳолатларда Фуқаролик кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий ҳўжалик суди Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилинмаганлиги натижасида йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Тошкент шаҳри** (Э.Ходжакулов), **Хоразм** (Ш.Камолов), **Самарқанд** (О.Хайитов), **Тошкент** (Д.Таджибаев), **Бухоро** (У.Рўзиев) вилоятлари раислари суд ҳужжатларининг тафтиш тартибида бекор қилиниши даражаси юқори эканлигини инобатга олиб, суд ҳужжатларининг бекор қилиниши сабабларини муҳокама қилиб, натижалари бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш орқали иш сифатини яхшилашга эътибор қаратсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (**Б.Сайфуллаев**) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатлари раислари зиммасига суд амалиёти обзори барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2025 йилнинг август ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш юклансин.

4. Суд амалиёти обзори вилоят ва унга тенглаштирилган судлар иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказиш ва амалиётда фойдаланиш учун юборилсин.

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч – адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), “Одил судлов” – “Правосудие” журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Ж.Умаров) суд амалиёти обзори “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси”, “Одил судлов” – “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Ш. Полванов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси



Б.Исламов